*Биз ва жаҳон*

# НУФУЗЛИ ДАСТУРЛАР

***Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар қаторида бевосита болалар муаммолари билан шуғулланадиган ташкилот бор. Бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги ЮНИСЕФдир. У ҳозирга қадар республикамизда болалар саломатлигини муҳофаза қилишда хайрли ишларни амалга оширди ва бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини шу мақсадлар асосида қурган. Бу хусусда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси Шуҳрат Раҳимжонов қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— ЮНИСЕФ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда бир қанча дастурлар асосида олиб боради. Ушбу дастурлар юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилашга қаратилган. Хусусан, бу ташкилот 1995-2000 йил давомида Ўзбекистон болаларини хасталикларга қарши эмлаш учун вакциналар билан таъминлаш бўйича ҳукуматимиз иштирокида махсус лойиҳа ишлаб чиқди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 8 миллион АҚШ доллари белгиланган бўлиб, у ЮНИСЕФ, Ўзбекистон ҳукумати ва Япония томонидан қопланади.

ЮНИСЕФ ўзининг МЕКАКАР дастури бўйича сўнгги тўрт йил ичида болалар ўртасида полиомиелит хасталиги тарқатмаслиги учун 4 миллион АҚШ доллари нарҳида вакцина билан таъминлади. Бу эзгу иш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди, 1996-97 йил давомида республикамизда бирорта ҳам болалар ўртасида полиомиелит билан хасталаниш ҳолати кузатилмади. Бугунги кунда Ўзбекистонга келтирилган вакциналар 1994 йилги таъминотни ҳисобга олганда 7,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бундан ташқари ЮНИСЕФ республикамизда болалар ўртасида бўғма касаллигини назорат қилишда фаол иштирок этди. Ушбу хасталикнинг тарқалиш имконияти кенг бўлган ҳудудларга «АДС-м» вакцинаси ҳамда 500 минг АҚШ долларилик бўғмага қарши антитоксин препарати беғараз ёрдам сифатида келтирилди. Шунингдек, мазкур препаратларни сақлаш учун республика Санитария-эпидемиология станцияси махсус совутгич мосламалари билан таъминланади.

Чақалоқлар ўлимининг олдини олиш бўйича олиб борилган ҳамкорлик энг катта натижа берган ишлардандир.

1993 йилда ҳар 1000 чақалоққа 33 ўлим ҳолати тўғри келган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич 24,3 га тушди, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими билан ўткир респиратор инфекцияси (ЎРИ) ва диарея хасталикларини назорат қилиш бўйича ҳамкорлик дастури ишламоқда. Зеро, чақалоқлар ўлимининг асосий сабабларидан бири мазкур икки хасталикдир. Қишки ва ёзги компания учун ЎРИ ва зотилжам хасталикларига қарши 718 минг АҚШ долларига тенг антибиотиклар келтирилди. Шунингдек, ушбу дастурга кўра ўзбекистонлик 2 минг фельдшер ва мингта болалар шифокорининг малакаси оширилди.

Орол денгизи минтақасига ёрдам кўрсатиш иши ЮНИСЕФнинг нуфузли йўналишларидан саналади. Айни пайтда бу ҳудудга жўнатилган дори-дармон ҳамда тиббий асбоблар 800 минг долларга тенг. АСПЕРА лойиҳасининг ўзига умумий ҳисобда уч миллион АҚШ доллари керак бўлади. Шунингдек, болаларни ЎРИ ва диарея хасталикларига қарши, санитария ва гигиена, чақалоқларни кўкрак сути билан боқиш борасида оналар учун видеороликлар, болалар учун эса мультфильмлар тайёрлаш учун 30 минг доллар сарф бўлиши кутилмоқда. Энг нуфузли иш сифатида барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенция бўйича парламент билан йўлга қўйган алоқаларимизни таъкидлаш лозим.

*Мурод РАҲИМОВ ёзиб олди.*

# БУГУН — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ



*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Ниҳол*

## НОН

***Онам берди менга нон,***
***«Ушоғини тўкма» деб.***
***«Хўп бўлади, онажон», —***
***Дедим қувнаб, нонни еб.***

***Нонлар сероб, хилма-хил,***
***Ширмой нону ё патир.***
***Жиззали нон маза, бил:***
***Еганда ҳар гал татир.***

***Уйимизнинг тўрида***
***Ҳамиша нон муҳайё,***
***Қалбимизнинг қўрида***
***Сақланар у доимо.***

***Ўртоқ, ёдда тутайлик***
***Новвойларнинг хизматин,***
***Кўзимизга сурайлик,***
***Она замин неъматин.***

*Темур ТУРСУН.*

## НИГИНА ВА АРИ

Беш ёшли Нигина гуллар экилган ҳовлида ўйнаб юрарди. Шу пайт дайди ари унинг ўнг қўлидан чақиб олди. Нигина йиғлаб ойисининг олдига борди.

— Ари чақди! Мана бу жойимдан, — деди бармоғини кўрсатиб.

— Вой тавба! Келиб-келиб ҳозиргина шоколад еган қўлингдан чақадими? Мана буни қара юқиям турибди, ювмабсан-да, — деди ойиси.

— Ойижон, энди шоколадни бу қўлимда емайман, мана бунисида ейман, — деб чап қўлини кўрсатди Нигина.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ.*

*Соғлом авлод учун*

# ҒАМХЎРЛИК — ҲАР КИМНИНГ ИШИ

***Дунёнинг турли мамлакатларида болаларни муҳофаза этувчи, уларга ғамхўрлик қилувчи, фаолияти жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ташкилотлар кўп. Аммо юртимизда 4 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси каби ташкилотни ер юзининг бошқа бирон нуқтасида тополмайсиз. Жамғарманинг бугунги фаолияти хусусида унинг Тошкент шаҳар бўлими директори Гулнора Юнусхўжаева билан суҳбатлашдик.***

— Болаларга ғамхўрлик қилиш йўлида қўйилган ҳар бир қадам энг эзгу ишлар сирасига киради. Шундай экан, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси юртимиз тарихидан ёш авлодни баркамол тарбиялаш йўлида қилинган энг катта ғамхўрлик сифатида ўрин олади. Гарчи жамғармамиз фаолияти фақат болалар муаммолари билан боғлиқ бўлмаса-да, аммо мақсадимиз беғубор болаликни асраш, уни авайлаш билан ҳам боғлиқ. Зеро боланинг бахтли ҳаёт кечириши онанинг ҳам жисмонан, ҳам руҳий соғлом бўлиши билан бевосита боғлиқ.

**— Бугунги кунда жамғарманинг ушбу бўлими қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Бугунги кунда асосий фаолиятимиз ташкилий йўсинда кечмоқда. Маълумки, ҳозирда Мирзо Улуғбек туманида «Болалар қишлоғи» барпо этилмоқда. У асосан етим ёки кам таъминланган оилаларнинг болалари учун. Бунда биз ушбу қишлоқни зарур мутахассислар билан таъминлашни зиммамизга олганмиз. Бундан ташқари бугунги кунда Тошкент давлат тиббиёт-педиатрия институти қошида «Скрининг-марказ» ташкил этиш тайёргарлиги кетяпти. Бу ерда малакали мутахассислар туғилажак гўдакларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш мақсадида ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиб, уларда хасталик аломатлари аниқланса, дардни бартараф этиш билан шуғулланишади.

Шароит тақозосига кўра баъзан бизнинг вазифамизга кирмайдиган масала билан ҳам мурожаат қилиб туришади. Шунда ҳам биз уларга қўлдан келганча ёрдам қиламиз. Яқинда бўлимимизга бир отахон келиб «Мен ўғил кўрдим» дея ўз ҳаяжонини билдирди. Қарияга жамғарма номидан совға-саломлар бердик. Баъзан эса болалар майдончаларини ташкил этиш, ҳужжат расмийлаштиришдаги муаммолар билан ҳам келишади. Бу масалаларни ҳам имкон даражасида ҳал этиб беряпмиз. Келажакда шаҳримизда болалар спорт- соғломлаштириш майдончаларини барпо этишни мўлжаллаганмиз. Бу борада жамғармамиз қошидаги «Баркамол авлод» ҳамда «Гўзаллик хонаси» фирмаларининг хизмати катта бўлади.

**— Бугунги байрам доирасида жамғарма томонидан қандай тадбирлар ўтказилмоқда?**

— Бугунги байрамга жамғармамиз пухта тайёргарлик кўрган. Мўлжалланган тадбирларнинг айримлари бўлиб ўтди, баъзилари эса давом этмоқда. Жумладан, куни кеча мумтоз мусиқа ижрочиси бўйича «Санъат ғунчалари» болалар кўрик-танлови якунланди. Унда ғолиб чиққанлар жамғармамиз совринларига сазовор бўлишди. Бундан ташқари 2-Тошкент давлат тиббиёт институтида эшитиш ва сўзлаш аъзолари реабилитацияси болалар республика марказига ташхис асбоби тақдим этилди. Шунингдек, Муқимий номли мусиқали комедия театрида давлат тилини тарғиб қилувчи «Жонли тил» телетанлови, «Туркистон» санъат саройида эса «Ўзбекистон — Ватаним маним» болалар қўшиқ-кўриги бўлиб ўтди. Яна бир тадбиримиз иқтидорли болалар билан учрашув бўлиб, у «Маҳалла» ҳамда «Болалар» жамғармалари кўмагида уюштирилди.

Аммо бундай тадбирлар фақат маълум бир саналарга бағишланиб ўтказилиши шарт эмас, улар мунтазам равишда уюштирилади. Халқимизда «Болалигим — пошшолигим» деган гап бор. Ушбу «подшо»ларга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳар соҳада қўллаб-қувватлаш ишини ҳар бир юртдошимиз ўзига шараф деб билмоғи шарт.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

**БУГУН**

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни»га бағишланган қуйидаги тадбирлари бошланди:

— «Тошкентленд» маданият ва истироҳат боғида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун дам олиш тадбирлари;

— Жамғарманинг Сергели туманидаги таянч нуқтасида «Тезкорлик ва чаққонлик» шиори остида болалар спорт мусобақаси:

— барча маҳаллалар, мактабгача тарбия муассасаларида «Оила ва жамият» мавзуида суҳбатлар.

*Удумларимиз*

# БИР УМРГА ЭСДА ҚОЛАДИ

***Мирзо Улуғбек туманидаги академик Содиқ Азимов номли банк йўналишидаги 64-лицей-мактаб жамоаси ҳамда ота-оналар томонидан ўтказилган мучал тўйи тантанаси бу ерга йиғилган барча меҳмонлар айниқса, бу йил 12 ёшга тўлган болажонлар қалбида бир умрлик ўчмас из қолдирди.***

— Бугунги мучал тўйининг сўнгги қўнғироқ тантаналари билан уйғунлашиб кетиши даврага янада ўзгача шукуҳ бағишламоқда, — дейди мактаб илмий мудири Саврихон Исмоилий. — Истиқлолга эришгач кўпгина миллий қадриятлар, анъаналаримиз қайтадан тикланди. Ўз мучал тўйларини нишонлаётган сиз каби ўғил-қизларни бугунги кунда бемалол озод юртнинг ҳур ва эркин авлодлари дейишимиз мумкин. Мана шундай мучал тўйларининг бир нечасини кўриб, юз билан юзлашиб юринглар.

Мучал тўйини нишонлаётган Бекзод Маҳмудов ўзи куй басталаган «Мучал тўйи» қўшиғи билан барча тенгдошларини муборакбод этди. Ўқувчилар ўн икки хил ҳайвон номи билан аталувчи ҳар бир мучал ҳамда ким қайси мучал йилида туғилган бўлса қандай хулқ-атвор ва фазилатларга эга бўлиши хусусида тўхталиб ўтишди. Мучал тўйи эгаларига соғ-саломат юришларини тилаган ҳолда уларнинг ҳар бирига ота-оналар томонидан дўппи ҳамда рўмол ҳадя этилди.

Тенгқурларини мучал йиллари билан табриклаш истагида тантанада иштирок этган Собир Раҳимов туманидаги 309-шарқ тиллари лицейи ўқувчилари ҳам мучалдош дўстларига ўзларининг болаларча самимий эзгу тилакларини билдиришди. Барча болалар, шунингдек, улар билан мучалдош бўлган биология ўқитувчиси Ножияхон Ражаповаларга совғалар ва анвойи гуллар тақдим этилди. Республика «Наврўз» халқаро хайрия жамғармасига қарашли Бекмурод Жўраев бошчилигидаги «Муҳаммад гармон» дастаси ижросида янграган шўх куй-қўшиқлар кечага ўзгача завқ, шукуҳ бахш этди.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*СУРАТЛАРДА: мароқли оқшомдан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





*Долзарб мавзуда*

# «ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК» КУНЛАРИ

***Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимликлар дунёси, сувларни, она заминимизни покиза сақлаш бугун жаҳон миқёсидаги муаммога айланмоқда. Шу йўлда кенг тарғибот-ташвиқот ўтказилмоқда, аҳолининг экологик билимларини янада чуқурлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Чунки табиатни асраш, уни ардоқлаш охир-оқибатда одамларнинг бу хайрли ишда фаол иштирокига чамбарчас боғлиқдир.***

***Шаҳримизда бугун бошланган санитария, гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги айнан шундай олижаноб мақсадларга қаратилган. Мухбиримиз «Экосан» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими директори Шоира Иброҳимовага бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

**— Шоира Расуловна, гигиена, санитария ва экологик маданият ўн кунлигидан кўзда тутилган мақсад нималардан иборат?**

— Шу йил 5 июнда Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни нишонланади. Табиат муҳофазаси, унинг соғлом ва баркамоллиги, табиий неъматлардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис қиляпмиз. Мустақиллигимизнинг етти йилида бу борада ниҳоятда кенг кўламли юмушлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, улар ҳаётимизга жадаллик билан татбиқ этилмоқда.

Лекин энг муҳим ҳолат — бу кишиларимизнинг экологик билимининг чуқурлиги, экологик маданиятининг юксаклигидир. Шунга эришсак, барча юмушларимиз янада юксак поғоналарга кўтарилади. Жамғармамизнинг Чилонзор тумани бўлими томонидан 1-Бизнес-мактабда ўтказилган илмий-амалий анжуман ана шу мавзуга бағишланди. Анжуманда экологик муаммоларнинг ечими бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди, айниқса ёш авлоднинг экологик савиясини тинмай ошириб бориш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Бундай анжуман Шайхонтоҳур туманидаги 1-махсус мактабда ҳам бўлиб ўтди. Шу мезонлардан туриб қарасак, республикамизда экологияга бағишланган ўн кунлик ўтказилишининг аҳамияти, мақсадлари равшан бўлади.

Мақсад дедингиз. Ўн кунлик мобайнида катта халқ ҳашари ўтказилади. Белгиланган тадбирларда шаҳримиз аҳолисининг барча қатлами — кексаю ёш, ишчию зиёли, талабаю мактаб ўқувчилари фаол иштирок этиши кўзда тутилган. Шаҳарнинг озодалигини мукаммал қилиш, шу билан турли юқумли касалликларнинг йўлини қирқиш — ўн кунликнинг муҳим вазифаларидандир.

Ушбу ўн кунлик барча муассасаларда, ташкилотларда, ҳар бир мактабда, ҳар бир хонадонда ўзининг изларини қолдирса қошкийди.

**— Режалар ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.**

— Режалар дастурида талайгина ишлар қайд этилган. Аввало ҳар бир туманда «Экология ва саломатлик» кунларини ўтказиш усуллари аниқланди, ишчи гуруҳлари тузилди. Ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона, маҳаллаларда ҳашарлар, шанбаликлар ўтказилади. Бунда ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Ҳар бир туман ҳудудида жамоатчилик томонидан санитар-гигиеник аҳвол синчиклаб текширилади. Маиший чиқиндилар ташланадиган жойларга катта аҳамият берилади. Хусусан деҳқон бозорлари, умумий овқатланиш жойлари, болалар муассасаларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш диққат марказимизда бўлади.

Экология билан шуғулланувчи олимлар, тиббиёт ходимлари, фаоллар иштирокида барча ташкилотларда экологик суҳбатлар, маърузалар ўтказилади. Учрашувлар бўлиб ўтади. Хиёбонларда, дам оладиган оромгоҳларда турли тадбирлар, гуллар ва қушлар байрамлари, болалар ишлаган суратлар кўргазмалари ташкил этилади. Маданият, санъат усталари, бадиий гуруҳлар, жамоалар иштирокида хайрия концертлари бўлиб ўтади. Энг муҳими эса бу тадбирларда барчанинг иштирок этишидир. «Экосан» халқаро жамғармаси ходимлари «Экология ва саломатлик» кунлари юксак савияда ўтиши учун барча куч-ғайратларини аямайдилар.

*Тоҳир ЙЎЛЧИЕВ суҳбатлашди.*

*Қатралар*

## ДОВУЧЧА ВА БАРГ

— Устимга соя ташлаганинг-ташлаган. Ўз ҳолимга қўй. Офтобга хоҳлаганимча тўяй, — деди данакдек довучча устидаги баргга.

— Сенга зарарни раво кўрмайман, — деди барг ва миннат бўлмасин, деб унга паноҳлик қилаётганини айтмади.

Бир куни калтакнинг зарбидан барг узилиб ерга тушди. Усти очиқ қолган довучча дўлдан зарб еб, юзи чўтир бўлгач баргнинг қадрини англай бошлади.

## ИЛОЖ

Кўм-кўк ўтлоқда мол боқар эканман, қўй чақиртиканакнинг палакларини ҳам еябошлади.

— Палакдаги дув-дув чақиртиканакларни яхши чайнолмай ютса зарарку? — ваҳимага тушдим. Фикримни қўй боқиб юрган отахонга айтган эдим тиканакни ушлаб кўрди-да, мени хотиржам қилди:

— Ҳозир бўш, беғубор маҳали. Безарар. Улғайиб тани қотгач, эса асло едирманг.

— Раҳмат, бунинг иложи бор, отахон. — Шу вақт хаёлимга бир фикр ярқ этиб урилади: ёшлигида беғубор—бегуноҳ бўлган инсонларнинг айримлари улғайгач, чақиртиканакдек заҳридан қанча одамлар азият чекади. Бунинг ҳам иложи бўлганда эди?!

*Ғани АБДУЛЛАЕВ.*

*Матбаа*

# «ЎЗБЕКИСТОН» ТУҲФАЛАРИ

Мамлакатимизда буюк Амир Темур хотирасини абадийлаштириш бўйича жуда катта ишлар қилинди ва давом этмоқда. Чунки соҳибқирон меросини ўрганиш, унинг даврида ва кейинчалик, темурийлар замонида бунёд этилган тарихий обидаларни ўрганиш, унинг даврида ва темурийлар замонида бунёд этилган тарихий обидаларни тиклаш-таъмирлаш масаласи ҳукуматимиз диққат-эътиборидадир.

● «Олтин аср адолати» мажмуаси бизнинг шоншавкатимиз, ғурур-ифтихоримиз, маънавий қудратимиз рамзи Амир Темур ҳақида. Ушбу китобдан ўрин олган мақолалар таниқли давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар ҳамда адиблар қаламига мансуб. Уларда истиқлол шарофати билан буюк аждодларимизга, хусусан, миллатимиз фахри бўлган Амир Темурга нисбатан тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, унинг хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилган улуғвор ишлар ва уларнинг жамиятимиз тараққиётидаги беқиёс аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Тўплам Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан нашрга тайёрланиб, ўн минг нусхада чоп этилди.

● Эркин Аҳмедов, Зуҳра Сайдаминованинг «Ўзбекистон Республикаси» қисқача маълумотномаси ўзбек, инглиз ва рус тилларида босмадан чиқди.

Китобда республикамизнинг табиий иқлим шароитлари, демографик хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва унинг жаҳон мамлакатлари билан кенгайиб бораётган савдо-иқтисодий алоқалари аниқ далиллар асосида кўрсатиб берилади.

«Ўзбекистон Республикаси» қисқача маълумотномаси кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, уч минг нусхада чоп этилган.

Мамлакатимизда яшаб, ижод қилаётган барча соҳалардаги заҳматкаш ижодкорларнинг янгидан-янги асарларини, ихтироларини, кашфиётларини дунёга танитиш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниҳоятда муҳим.

Нашриёт «Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами»ни чоп этди. Ушбу тўпламдан «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳам ўрин олган. Мамлакатимизда илк бор тадбиқ этилаётган бу қонун энг муҳим соҳалар — ноширлик ва матбаачилик учун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бу қонун ҳам нафақат давлат тасарруфидаги нашриётлар ва матбаа корхоналари, балки шу соҳаларда фаолият кўрсатишга қатъий аҳд қилган хусусий жисмоний шахслар учун ҳам тегишли бўлиб, уларга кенг йўл очиб беради.

*Назира ЖЎРАЕВА.*



*Таниқли педагог, Халқ ўқитувчиси, Собир Раҳимов туманидаги 22-мактаб директори Ҳокимжон Ҳошимовнинг меҳнат фаолиятига 50 йил тўлди.*

*Бундан ярим аср муқаддам, урушдан кейинги даврлар. Ёш, иқтидорли ўқитувчини мактабга директор этиб тайинлашди. У ўзига билдирилган ишончни оқлади, камтаринлиги, тиришқоқ ва меҳнатсеварлиги туфайли мактаб жамоаси ҳурматига сазовор бўлди. Шунга кўра касбдошлари ҳам уни ҳар соҳада қўллаб-қувватладилар.*

*1957 йилдан бошлаб мактабда араб тили ўқитила бошланди. Бугунги кунда бу маскан нафақат пойтахтимизда, ҳатто республикамизда ҳам таниқли. Араб давлатларидан келган меҳмонлар ҳар сафар шу мактабда бўлиб, араб тили ўқитилиши жараёнини кузатишади. Шуни таъкидлаш кераккки, бугунги кунда мактабдаги 47 ўқитувчи худди шу масканнинг собиқ битирувчиларидир.*

*Ҳокимжон Ҳошимов ёшлар мураббийси бўлиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Кўп йиллар туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши ишларида фидойилик кўрсатган. У бир қанча орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.*

*СУРАТДА: Ҳокимжон Ҳошимовни табриклаш пайти.*

*Содиқ Маҳкамов олган сурат.*

*Ибратнома*

# ДОНОЛАР БИСОТИДАН

*● Нодонлик шундай бир зиндонки, нодон унга умрбод ҳукм этилгандир.*

**Фирдавсий.**

*● Дўст тамагир бўлса, уни дўст эмас, душман деб бил.*

**Абу Шукур.**

*● Қалбни яралаш қийин иш эмас, аммо қалбга йўл топиш анча мушкулдир.*

**Носир Хисрав.**

*● Ханжарнинг тилидан тилнинг ханжари ўткирроқдир.*

**Ҳилолий.**

*● Одам ичидаги асал ёки заҳар фақат тил орқалигина юзага чиқади.*

**Жомий.**

*● Яхшилик қилдек бўлса ҳам филдек ёмонликдан минг баробар афзалдир.*

**Низомий.**

*● Тошдан ойна ясаш мумкин, ойнани тош билан синдириш ҳам мумкин.*

**Ҳоқоний.**

*● Эшакнинг бошига олтин тож кийдирсанг ҳам узун қулоқлари унинг кимлигини билдириб туради.*

**Шохин.**

*● Ўйламай айтилган сўз пиликсиз лампага ўхшайди.*

**Рудакий.**

*● Одам ўз табиатига тўғри келмайдиган нарсалардан ўзини сақлаши керак.*

**Абул Фараж.**

*● Ҳасадгўйлик шундай бир оловки, у олов ёққаннинг ўзини куйдиради.*

**Луқмон.**

*● Бўйин қанчалик узун бўлмасин, бош ундан ҳам юқорида туради.*

**Африка мақоли.**

*Тўпловчи: Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Фахриддин НУРИДДИНОВ.*

*Хизмат*

# «ИСТАРАФШОН» МУНТАЗИР

***Кунига ишга кетаётиб ва қайтаётиб илгариги «Буратино» ошхонаси ёнидан ўтар эканман, ходимларнинг саъй-ҳаракати билан унинг ўзгача қиёфа кашф этаётганлигининг гувоҳи бўламан. Кейинги 1,5-2 йил ичида бу ерда кенг кўламли қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилди. Ошхонанинг номи ўзгариб «Истарафшон» қаҳвахонаси деб юритила бошлади.***

— Халқимизда «Элга хизмат — олий ҳиммат» деган ажойиб нақл мавжуд, — дейди жамоа раҳбари Мурод Мақсудов. — Чиндан ҳам, бу топиб айтилган иборани ҳар бир ходимимиз ўз иш шиорларига айлантиришларига эришишни ният қиламан. Аввало, яхши овқатланиш учун тоза ва озода, дид билан безатилган жой, сўнгра эса яхши таом зарур. Ана шунга эришиш ниятида қаҳвахонамизни кишилар дидига, шаҳримиз кўркига мос равишда қайта қуряпмиз. Айниқса, бу борада бизга самарқандлик, хоразмлик қўли гул ганчкор усталар катта ёрдам беришди. Яхшиси, куни-кеча ишга тушган иккинчи қаватдаги ёзги қаҳвахонамизни бир кўринг-а.

Чиндан ҳам 100 ўринга мўлжалланган бу қаҳвахона чет эл жиҳозлари билан безалган бўлиб, гуллар, соябонлар ўрнатилган. Ёш официант йигит-қизлар сизга чаққонлик ва хушмуомалалик билан хизмат кўрсатишади. Бу ерда кўнглингиз тусаган таомларни буюриб, чанқовбосди ичимликлар, мазали музқаймоқларни тановул қилиб, мириқиб куй ва қўшиқлар ҳам тинглашингиз мумкин. Қўли кўксида, хизматингизга ҳозиру нозир ходимларнинг ҳар бир ҳаракати, табассуми хўрандага ёқимли кайфият бағишлайди.



Дам олувчиларни суҳбатга тортдик.

— Болалигимда шу ошхонанинг қуймоқ ва ширгуручини яхши кўриб ердим, ота-онам билан сайрга чиққанда шу ерда тамадди қилардим, — деди Рустам Юсупов. — Ҳозир ҳам тез-тез кириб тураман. Иккинчи қаватга биринчи киришимиз. Кўрсатилаётган хизматдан мамнун бўлдик, яхши ҳордиқ чиқардик. Айниқса, бу ерда туғилган кунларни кичик давраларда ажойиб тарзда нишонласа бўлади.

«Истарафшон» қаҳвахонасининг ҳар бир ходими меҳнатни қадрлаш, касбини севиш хусусиятига эга. Уларнинг мақсадлари — энг яхши таомлар тайёрлаб, уни аҳолига манзур этиш. Шу туфайли ҳам жамоанинг 40 дан ортиқ ходими эрта тонгдан одамлар хизматида. Айниқса, таом тайёрлашнинг ўзига хос технологиясига эга бўлган Лариса Кенжабоева, Мурод Қодиров, Маҳмуд Маткаримов, Баҳром Ҳолматов сингари уста ошпаз ва ходимлар ҳамиша хизматга шай.

— Рақобат бор жойда иш ривожланади, — дейди Мурод Мақсудов. — Бугунги кунда одамлар табиатига ёқадиган, соғлиғига керакли таомлар тайёрлаш зарур. Бизда одамлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганувчи ходимларимиз бор. Уларнинг фикр-мулоҳазалари доимий эътиборимизда. Истардимки, бизнинг қаҳвахонамизнинг ўз мавқеи, ўз хўрандаси бўлсин.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТЛАРДА: қаҳвахонанинг ташқи кўриниши; иккинчи қаватдаги янги очилган бўлим; ходимлар шундай очиқ чеҳрали, хизмат маданиятини яхши ўзлаштиришган.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*





*Қаҳ-қаҳа*

## ВАФОТ ЭТГАН

Қаюм аскиянинг уйига меҳмонга келган қариндошининг биқини қаттиқ санчиб қолди. Зудлик билан пенсияга чиққан қўшни жарроҳни чақириб чиқишди. У беморни текшириб:

— Кўричак бўлибди, тезда шифохонага олиб бормасангиз бўлмайди, — деди.

Бемор шифохонада операция қилинди ва даволаниб, тез кунда уйига жўнатилди. Қўшни жарроҳ Қаюм ака билан ҳар учрашганда «қариндошингиз тузукми?» деб унинг аҳволини сўрар эди. Орадан беш-олти йил ўтса ҳам қўшни ўша саволни такрорлаб, қариндошининг аҳволини сўрашдан нарига ўтмади. Галдаги учрашувда яна ўша савол такрорлангач, жони ҳалқумига келган Қаюм ака:

— Қариндошим бояқишнинг умри қисқа экан, ўша операцияда вафот этган эди! — деди.

## ТАШЛАБ ЮРГАНИ ЕТАР

Кўнчилар орасида ташкил этилган «гап» навбати Қаюм аскияникида эди. Дастурхонга тортилган таомдан кейин оёқ остидан чиққан пайров бўйича ярим соат бир-бирларига гал бермай роса «тепкилашди». Сўнгра Собир ака қўлига дутор олиб, «Тановар»ни чала бошлаган эди, серзавқ Мансур олифта рўмолчасини елкасига ташлаб муқом қила кетди. Даврани уч-тўрт марта айланиб, Тошвой чўлоқнинг қўлидан тортган эди, у қаршилик қилди. Мансур ака Қаюм акага юзланиб деди:

— Сен айт, Тошвой ҳам умрида бир марта «ташласин».

— Ташламайди!

— Нега?

— Умр бўйи бир томонга ташлаб юргани ҳам етар!

## ОҚ ТОМОНИ БОР

Маҳалла қўмитасининг раиси кўчада Қаюм аскияни учратиб маслаҳат сўради:

— Агар ғийбатчилар танлови ўтказилса, маҳалладаги Шукур бемаҳалнинг биринчи ўринни олишига сира шубҳам йўқ — у софдил, покиза, ҳалол одамлар устидан ғийбат, бўҳтон қилиб, мағзава ағдариб, кўпчиликнинг тинкасини қуритиб юборди. Шикоят хатлари бўйича ўтказган суҳбатларим кор қилмади. Оқсоқол, кўпни кўрган одамсиз, халқ ичида юрасиз, бир маслаҳат беринг, нима қилсам бўлади?

— У одам қора курсига ўтириб келса ҳам эс битмади. Унинг башараси ҳам, кўнгли ҳам, нияти ҳам, қилган ишлари ҳам қоп-қора.

— Унинг бирон-бир оқ томони борми ўзи?

— Бор!

— Наҳотки! Қандай!

— У — оқпадар!

## ТАҚИБ КЕТГАНЛАР

Академик бастакор Юнус Ражабий устоз қизиқчи Абулқосим Тўйчиев билан учрашиб қолиб, ундан сўради:

— Отанг раҳматли Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовнинг тақиб юрадиган бир чиройли кўзойнаги бор эди, шуни менга эсдалик сифатида берсанг.

Абулқосим ака тилла суви юритилган бу кўзойнакни бергиси келмай деди:— Уста, отам кўзойнакни у ёққа ўзлари тақиб кетганлар.

## ҚАРАШ-ҚАРАШ

Трамвай бекатида Фозилжон Султоновни учратиб қолган синфдош дўсти ундан гина қила бошлади:

— Бош шифокор бўлдим деб жуда бурнинг кўтарилиб кетдими, ўтган куни кўчанинг нариги бетидан индамай ўтдинг?

— Биласанки, кўчада аланглаб юриш одатим йўқ, сени кўрмаган бўлсам узр.

— Ҳуштак чалсам ҳам қарамадинг-ку?

— Ҳуштакка қулоғимни диккайтириб қараш учун, биласанми, қанақа жонивор бўлишим керак?

*Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.*

**Бош муҳаррир ўринбосари
Солиҳ ЁҚУБОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ИШГА МАРҲАМАТ!

**ҲУРМАТЛИ ШАҲРИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ!**

Бектемир тумани Бандлик хизмати Сизларни ишга таклиф этади:

| | |
|---|---|
| — *муҳандис-иқтисодчи* | *— 6079 сўм* |
| — *эл. пайвандчи* | *— 6000 сўм* |
| — *монтажчи* | *— 6000 сўм* |
| — *моторист* | *— 5000—7000 сўм* |
| — *фрезерчи* | *— 5000—7000 сўм* |
| — *оператор созловчи* | *— 11000 сўм* |
| — *автокран ҳайдовчиси* | *— 7000 сўм* |
| — *фаррош* | *— 1560 сўм* |
| — *сантехник* | *— 3600 сўм* |
| — *электрчилар* | *— 6500 сўм* |
| — *экскаваторчи* | *— 7000 сўм* |
| — *газпайвандчи* | *— 7000 сўм* |
| — *муҳандис-иқтисодчи* | *— 8500 сўм* |
| — *юрист-маслаҳатчи* | *— 8000 сўм* |
| — *автомашина оператори* | *— 6000 сўм* |
| — *токарь* | *— 6000 сўм* |

Бундан ташқари ихтисоси бўлмаган фуқароларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича бепул ўқиш учун курсларга юборади:

1. *ЭҲМ операторлари*
2. *Ҳисобчилар*
3. *Бичувчи-тикувчилар*
4. *Котиба-машинисткалар*

Барча ўқиш муддатлари 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Ўқиш даврида стипендия тўланади.

**Бизнинг манзилимиз:
Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 117-уй. Автобуслар: 7, 54, 99, 110.
«Уй-рўзғор буюмлари» магазини бекати.
Тел: 195-11-88.**

### ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

***ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР!***

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ТИББИЁТ ЎҚУВ ЮРТИ 1998—99 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

| | |
|---|---|
| 9-СИНФ ҲАЖМИДА: | — ихтисослик — «ҲАМШИРАЛИК ИШИ» ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛУ 10 ОЙ. |
| 11-СИНФ ҲАЖМИДА: | — ихтисослик — «ҲАМШИРАЛИК ИШИ» ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛУ 10 ОЙ. |
| 11-СИНФ ХАЖМИДА: | — ихтисослик — «АКУШЕРЛИК ИШИ» ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛУ 6 ОЙ. |

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИ — 3 ИЮНЬ 1998 ЙИЛ.

**МАНЗИЛИМИЗ: ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ, УЙҒУР КЎЧАСИ, 305-УЙ.
ТРАНСПОРТ: ТРАМВАЙЛАР — 7, 8, 16.
АВТОБУСЛАР — 35, 53, 46, 126.
МЎЛЖАЛ: 1-ШАҲАР КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ.**

**ЎҚУВ ЮРТИМИЗГА МАРҲАМАТ!**

### ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа кабель иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан **1998 йилнинг 1 июнидан 15 июнигача** Обсерватория кўчасидаги 41, Муртазоев кўчасидаги 10-а, 12-уйларида истиқомат қилувчи 35-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**

### Тошкент оқшоми

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

***Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.***

Яккасарой тумани ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитаси «Дамариқ» фуқаролар йиғини котибаси, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси

**Иноят ҚУРБОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкент оқшоми» газетаси жамоаси газетанинг бўлим мудири Дилшод Исроиловга акаси

**Рустам ИСРОИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-085. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.